

ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № _____

Тошкент ш.

“ ____ ” _____ 20 ____ й

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 531-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Уставига мувофиқ унинг директори Қ.Бурханов (бундан буён матнда “Марказ” деб аталади) бир томондан ва _____ номидан _____ асосида фаолият юритувчи ташкилот раҳбари _____ (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб аталади) иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги ПҚ-3785-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги 498-сон Қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низом ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда малака ошириш курсида тингловчиларнинг малакасини ошириш, Буюртмачи эса малака ошириш билан боғлиқ харажатларни тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Малака ошириш курсларида ўқув машғулотлари Марказ томонидан тасдиқланадиган 72 соатдан иборат ўқув дастурлари асосида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

2. Малака ошириш учун белгиланган тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Марказ буюртмага биноан 20__ - 20__ ўқув йили давомида __ нафар тингловчини режа жадвалига асосан ўқитиб беради.

2.2. Бир нафар тингловчининг икки ҳафта давомида малакасини ошириш учун белгиланган тўлов Республикада жорий этилган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдорида ҚҚС сиз 1 115 000 (бир миллион бир юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади.

2.3. Буюртмачи олдиндан шартнома қийматининг 15 фоиз тўловни шартнома имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтганидан кейин ўн банк иш куни мобайнида Марказнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб беради.

Буюртмачи шартнома қийматининг қолган 85 фоиз тўловини Марказ томонидан тақдим этилган ҳисоб фактурага асосан, беш банк иш куни давомида амалга оширади.

2.4. Буюртмачи шартнома имзоланганидан сўнг шартномани 5 банк иш куни мобайнида Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини олади ва шартноманинг иккинчи нусхасини малака ошириш курси бошланган вақтда Марказга тақдим этилишини таъминлайди.

3. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Марказ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Малака ошириш жараёнини сифатли ташкил қилишни таъминлаш;

Машғулотларни соҳа бўйича юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчи ва амалиётчи мутахассислар томонидан ўтказилишини таъминлаш;

Тингловчиларни ўқув материаллари, техник воситалар, компьютер техникалари ва кутубхонадан фойдаланишини таъминлаш;

Малака ошириш курслари якуни бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат бериш;

Бюджет харажатларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун, қоида тариқасида, тингловчилар гуруҳлари 30 тадан иборат таркибда шакллантирилади.

4. Буюртмачининг мажбурияти

4.1. Буюртмачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Малака ошириши учун белгиланган тўловни ўз вақтида амалга оширади;

Тингловчиларни белгиланган муддатда Марказга етиб келиши ва машғулотларда тўлиқ қатнашишларини таъминлайди;

Буюртмачи белгиланган муддатларда тингловчиларни малака оширишга юбормаган ҳолларда, тингловчилар жорий йилнинг кейинги ойида ўқитилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим бўлган даражада бажармаслик томонлар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

5.2. Шартнома юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низоли масалалар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолларда низо Тошкент шаҳар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

5.3. Ушбу шартномани бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

“Буюртмачи”